

---

## Бувайдада халқ бепул тиббий кўриқдан ўтди

Бувайда тумани Маданият ва туризм бўлими биносида аҳоли касаллигини эрта аниқлаш ва касаллиги бор беморларни ҳудудларнинг ўзида юқори технологик муолажаларни ўтказиш орқали соғломлаштириш мақсадида республикамиз бўйлаб Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилаётган “Саломатлик сайллари” ойлиги доирасидаги тадбир бўлиб ўтди.

Унда ўттиз нафардан ортиқ Республика ихтисослаштирилган марказлари, вилоятнинг етакчи шифокор мутахассислари томонидан аҳоли бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Тиббий кўриқ давомида жами 2448 нафар аҳоли иштирок этиб, шундан 1439 нафар фуқароларда касаллик аниқланган бўлса, 1318 нафарига амбулатор ва 90 нафарига стационар ёрдам кўрсатилди.

Кўриқ давомида 31 нафар беморларда операция ўтказиш режалаштирилди.

2023-04-13 15:16:08